
ЭНГ ИЛҒОР ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН СЎХ ТУМАНИ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ БУГУН ҲАР БИР ҲАРБИЙ ОРЗУ ҚИЛАДИ

Бугун Шарқий ҳарбий округнинг Сўх туманида жойлашган ҳарбий қисмида барпо янги объектлар ҳамда капитал таъмирдан чиқарилган бино-иншоотларни ҳарбийларга фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Лутфулла Бузруков, вилоят секторлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминловчи органлари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Президентимиз томонидан бошланган ислохотлар ҳарбий соҳада ўз ижобий натижасини кўрсатаётгани, ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилиб, жойларда давлат ҳокимияти органлари ҳам мамлакатимиз муҳофаза қудратини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб келаётгани тадбир давомида алоҳида қайд этилди.

Ҳарбий қисмда вилоят бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган 18,9 млрд. сўмлик лойиҳа асосида 300 ўринлик маданият саройи, 300 киши бир вақтда шуғулланишига мўлжалланган кўп функцияли спорт мажмуаси, очиқ ўйингоҳ, техника парки ташкил этилди, 90 кишига мўлжалланган ётоқхона капитал таъмирдан чиқарилди, қисм ҳудуди ободонлаштирилди. Шунингдек, ҳарбий қисмга туташ ҳудудда ДХШ тамойили асосида 60 ўринли замонавий мактабгача таълим ташкилоти барпо этилди.

“Армия ва халқ – бир тану бир жондир” деган ғояни амалда таъминлаш, Сўх тумани ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий қисм ҳудудидаги маданият саройи ҳамда спорт иншоотлари ҳудудда яшовчи ёшлар фойдаланишлари учун доимий очиқ эканлиги эълон қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-16 09:02:15